

## ЎЗБЕК ТИЛИДА КОНЦЕПТ ВА УНИНГ АССОЦИАТИВ МАЙДОН ҲОСИЛ ҚИЛИШДАГИ ЎРНИ

Наргиза Шихназаровна АХМЕДОВА

доцент

Филология фанлари номзоди

Ориентал университети

Тошкент, Ўзбекистон

[ashnargiza@gmail.com](mailto:ashnargiza@gmail.com)

### Аннотация

Мақолада ўзбек тилида концепт тушунчаси, унинг ассоциатив майдондаги ўрни, майдондаги бирликларнинг ўзаро муносабати, миллий-маданий хусусиятлари таҳлил қилинган. Ассоциатив бирликлар орқали синтактик бирикувларнинг ҳосил қилиниши, ассоциатив майдонда лексик, морфологик ва паремиологик бирликлар муносабати ёритилган.

**Таянч сўзлар:** антропоцентрик тилшунослик, когнитив тилшунослик, концепт, ассоциация, ассоциатив майдон, ассоциатив муносабат, стимул сўз.

## КОНЦЕПТ И ЕГО РОЛЬ В ФОРМИРОВАНИИ АССОЦИАТИВНОГО ПОЛЯ В УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ

Наргиза Шихназаровна АХМЕДОВА

доцент

Кандидат филологических наук

Университет Ориентал

Ташкент, Узбекистан

[ashnargiza@gmail.com](mailto:ashnargiza@gmail.com)

### Аннотация

В статье анализируется понятие концепта в узбекском языке, его роль в ассоциативном поле, взаимоотношение единиц в поле, их национально-культурные особенности. Объясняется образование синтаксических сочетаний через ассоциативные единицы, соотношение лексических, морфологических и паремиологических единиц в ассоциативном поле.

**Ключевые слова:** антропоцентрическая лингвистика, когнитивная лингвистика, концепт, ассоциация, ассоциативное поле, ассоциативное отношение, слово-стимул.

Когнитив тилшунослик тилни маданий ҳодиса сифатида ўрганадиган, инсоннинг билим ва тажриба кўникмасига таянган ҳолда иш юритадиган фандир. Билим олиш ва сақлаш, уни амалда қўллаш ҳамда узатиш манбаи ва ниҳоят, уни шакллантирувчи восита бўлган тил тизими – когнитив таҳлил объекти ҳисобланади.

Дунёнинг концептуал манзаралари турли ижтимоий гуруҳлар, турли ёшдаги гуруҳларда турлича кечиши кузатилади. Бундан ташқари, кишилар ҳар хил тилларда сўзлашишларига қарамасдан, дунёни кўришнинг бири-бирига яқин концептларига эга бўлишлари ҳам мумкин. Иккинчи томондан, бир тилда сўзлашувчи одамларда ҳам концептлар турли даражаларда бўлиши мумкин. Хуллас, дунёни кўришнинг концепти умуминсоний, миллий ва индивидуал хусусиятларнинг алоқадорлигида намоён бўлади.

Концепт муаммоси антропоцентрик парадигманинг марказий муаммоларидан бири ҳисобланади. Атама тилшунослик тадқиқотларида XX асрнинг биринчи ярмидан пайдо бўла бошлади. Бу термин ўзбек тилшунослари Н.Маҳмудов [2], Ш.Сафаров [3] ҳамда А.Маматов каби олимлар томонидан изоҳланган.

Концепт инсон онгида яшайди ва эҳтимоллар доирасидаги тушунчаларга ишора берибгина қолмай инсониятнинг тарихий, ижтимоий, илмий тажрибасини намоён этади. Концептларни аниқлашда маълум бир маданиятга мансуб бўлган таянч сўзлар инобатга олинади.

Маълумки, концепт – мавҳум тушунча. Уни бевосита кузатиш мумкин эмас. Инсоннинг когнитив фаолияти билан боғлиқ бўлган бу ҳодисани унинг тилдаги коррелятлари орқали аниқлаш мумкин [5;70].

Концептни аниқлашда ассоциатив таҳлил алоҳида ўрин тутди. Ассоциатив таҳлил асосида муайян тил эгаларининг воқеликни идрок этиши, когнитив билими, лисоний қобилияти, лисоний хотираси имкониятлари, лексик бирликлари заҳираси ўрганилади. Ассоциатив таҳлил муайян туртки сўз асосида аниқланган ассоциатив тажриба маълумотларига таянади.

Ассоциатив тажриба натижасида туртки сўзнинг ассоциатив майдони шакллантирилиб, у тил бирликларининг ассоциатив алоқасини акс эттиради. Ассоциатив майдон “структур жиҳатдан лексикографик хусусиятга эга бўлган, моҳиятан инсон онгида акс этган муайян воқелик, унинг ҳамроҳлари образининг вербал ифодаси, у ҳақдаги тасаввури, билимларини намоёиш

этувчи тилнинг ўзаро ассоциатив боғланган семантик ва грамматик муносабатдаги бирликлари йиғиндиси” [1;58].

Ассоциатив майдон ўзгарувчан хусусиятга эга бўлиб, шахснинг руҳияти, дунёқарashi, қизиқишлари, олам ҳақидаги билимлари билан боғлиқ ҳолда ҳаётий тажрибаси ошган сари туртки сўзга берилган реакциялари турли хил бўлиши мумкин.

Ассоциатив майдон якка шахс ёки кўп сонли тил эгалари устида ассоциатив тажриба ўтказиш ва олинган натижаларни умумлаштириш асосида ҳам ҳосил қилинади. Якка шахсда ўтказилган ассоциатив тажриба материаллари асосида индивидуал ассоциатив майдон юзага келади. Аммо кўп сонли синалувчиларда ассоциатив тажриба ўтказиш орқали шакллантириладиган ассоциатив майдон жамоавий характерга эга бўлади [4; 46].

Ассоциатив майдон бирликлари тил эгаларининг туртки сўз билан боғлиқ тасаввурлари, билими, ҳаётий қарашлари, тажрибаси, қизиқишларини ифода этади. У туртки сўзнинг моҳиятини очиб берувчи бутунлик вазифасини бажариб, тил бирликларида давр ўтиши билан юзага келган маъновий ўзгаришларни очиб бера олади.

Маълумки, ассоциатив майдонда стимул сўз вазифасини бажарган ҳар бир бирликнинг семантик структураси, деривацион, услубий хусусиятлари очиб берилади. Ассоциатив майдон ва унинг бирликлари таҳлилини Ватан стимул сўзи асосида аниқланган майдон мисолида кўриб чиқамиз.

Ватан концепти тил эгалари лисоний захирасида юқоридаги маъноларни ифодалаган ҳолда ассоциатив тарзда гавдаланадиган, миллат билан боғлиқ тарзда қадимдан мавжуд бўлган, нафақат мутафаккирлар, ижодкорлар, балки халқ томонидан эъзозланадиган, қадрият даражасида улуғланадиган, турмуш даражасига сингиб кетган концептдир.

Ватан лексемасига “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да қуйидагича таъриф берилган: Ватан [арабча – туғилиб ўсган жой, юрт]: 1. Кишининг туғилиб ўсган ўлкаси, шаҳри ёки қишлоғи; юрт, диёр. 2 Киши туғилиб ўсган

ва ўзини унинг фуқароси ҳисоблаган мамлакат; она юрт. 3. Тураржой, бошпана, маскан, уй. 4. Ўсимлик ва ш. кларнинг асли келиб чиққан ерини билдиради; ватан қилмоқ – яшаш жойи қилиб ўрнашмоқ [6].

Ўзбек тилида ватан концептига ишора қилувчи лексик, паремиологик, синтактик воситалар мавжуд бўлиб, улар ўзбекча мулоқот жараёнида фаол қўлланилади. Ватан туйғуси, ватанпарварлик, ватанга хизмат қилиш, уни ҳимоя қилиш каби ҳолатлар ўзбек миллати учун ўлмас қадриятлар саналади. Ватанни улуғлаб онага қиёс қилишади, Ватан ягона, битталиги ғояси доимо илгари сурилади.

Тил эгалари хотирасида бевосита ватан концептига ишора қилувчи лексик бирликларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

1) маънодошлик маъноли сўзлар: *эл, юрт, ўлка, диёр, мамлакат, мулк* каби;

2) белги маъноли сўзлар: *серқуёш, она, мангу, озод, обод, ҳур, кенг, ёруғ, мустақил, абадий*;

3) ўрин маъноли турдош лексемалар: *уй, остона, оила, маҳалла, шаҳар тураржой, бошпана, маскан*;

4) ўрин маъноли атоқли лексемалар: *Ўзбекистон, Тошкент, Хоразм, Хонқа, Наврўз маҳалласи*;

5) шахс маъноли бирликлар: *ота, она, ака, ука, она, сингил, бобо, буви, ватан посбонлари, ватан ҳимоячилари*;

6) ижтимоий жиҳатдан боғлиқ сўзлар: *фуқаро, аҳоли, халқ, президент, чегара, сарҳад, ҳудуд, мусофирлик, вилоят, туман*;

7) мавҳум маъноли бирликлар: *садоқат, вафо, бурч, болалик, ватанпарварлик, ватан туйғуси, аждодлар руҳи, маънавий мерос обидалари, қадриятлар, миллат бирлиги, менталитет хусусиятлари*;

8) ҳаракат ва ҳолат билдирувчи лексемалар: *асрамоқ, туғилмоқ, авайламоқ, улуғламоқ, қадрламоқ, севмоқ, курашмоқ, ватан қилмоқ, хиёнат қилмоқ, сотмоқ*;

9) кўчма маъноли бирликлар: *тупроғи олтин, олтин бешик, она сути, она юрт, оқ сут, тупроғида олтин гуллайдиган маскан, киндик қони тўкилган маскан;*

10) сўз ясаши билан боғлиқ сўзлар: *ватангадо, ватангадолик, ватандош, ватанжудолик, ватанли, ватанпарвар, ватанпарварлик, ватанфуруш, ватанфурушлик, беватан, ватан қилмоқ, ватан тутмоқ;*

11) тарихийлик нуқтаи назаридан боғлиқ лексемалар: *бадарға, ватангоҳ (туғилиб ўсган жой, маскан, манзил), ватансоз (маскан, уй), ватансоз қилмоқ (уй қурмоқ, маскан қурмоқ, жой қилмоқ);*

12) салбий маъноли сўзлар: *сотқин, сотқинлик, жосуслик, хоинлик қилмоқ, хиёнат қилмоқ, космополит (юнонча космополитес – дунё фукароси) ватанпарварлик ҳиссини йўқотган шахс);*

13) диний тушунча билан боғлиқ бирликлар: *мусулмон, иймон, ислом, фарз, намоз;*

14) давр билан боғлиқ тушунчалар: *Улуғ Ватан уруши, мустақиллик даври, ватан ҳимоячилари куни каби.*

Бу лексик бирликлардан *эл, юрт, ўлка, диёр, она, киндик қони тўкилган маскан, ота, она, ака, ука, она, сингил, бобо, буви, уй, остона, оила, маҳалла* кабилар ватан концепти майдонининг ядросидан ўрин олса, қолган бирликлар майдоннинг ядродан кейин жойлашадиган аъзолари ҳисобланади.

Ватан концептига ишора қилувчи синтактик бирликлар: *киндик қони тўкилган маскан, тупроғи олтин, осмони мовий, келажаги буюк, ўтмиши улуғ, одамлари меҳнаткаш, одамлари болажон* каби ватан семаси билан боғланган ҳар қандай лексик бирлик ассоциатив тарзда тил эгалари хотирасида ватан концептини воқелантира олади.

Ватан лексемаси ва у орқали ҳосил бўлган ясалмалар ўртасидаги муносабат ҳам инсон тафаккурида ассоциатив боғланишларни юзага келтиради [3;85]. Масалан, *ватангадо, ватангадолик, ватандош, ватанжудолик, ватанли, ватанпарвар, ватанпарварлик, ватанфуруш,*

*ватанфурушлик, беватан* каби. Демак, юқоридаги ясалмалар ҳам бевосита ватан концептига ишора қилади ва бунда сўз ясалишига асос бўлган когнитив билимлар таянч вазифасини ўтайди. Лексема ва у асосида ҳосил бўлган ясалмалар муносабати парадигматик ассоциацияларни юзага келтиради.

Тарихийлик нуқтаи назаридан ватан концептига *бадарга, ватангоҳ* (туғилиб ўсган жой, маскан, манзил), *ватансоз* (маскан, уй), *ватансоз қилмоқ* (уй қурмоқ, маскан қурмоқ, жой қилмоқ) каби birlikлар ҳам ишора қилади, ammo бу birlikлар ҳозирги кунда эскирган сўзлар бўлганлиги боис, лисоний захирамизда ватан концептига ишора қилувчи фаол birlikлар деб бўлмайди.

Маълумки, инсон тафаккуридаги воқеликнинг асосий категорияларидан бири сифатида ватан концепти меҳр, муҳаббат, ишонч, бахт, кадр, виждон, тақдир, озодлик каби бошқа ментал моҳиятлар қаторида туради. Мақолларда инсоннинг ўзи яшаган жамиятга, турмуш тарзига муносабати, руҳий ҳолати, туйғулари ижобий ёки салбий фазилатлари, этик-эстетик ва фалсафий қарашлари жамият қонуниятлари ва ҳаётининг синовлар асосида мужассамланган бўлади.

Ўзбек тилида ватан концептига ишора қилувчи *Ватанни севмоқ* *иймондандир. Она юртинг – олтин бешигинг. Она юртинг омон бўлса, ранги рўйинг сомон бўлмас. Ўз уйим – ўлан тўшагим. Булбул чаманни севар, одам – Ватанни. Бегона тупроқ – девона тупроқ* каби мақоллар жуда кўп.

Ўзбек бадиий адабиётида ватан концептини ўзида акс эттирувчи, унга ишора қилувчи мумтоз ва замонавий шеърининг асарлар талайгина. Мумтоз шоирлардан Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Фурқат кабиларнинг шеърларида Ватан концептига ишора устунлик қилган. Фурқатнинг чет эллардаги азобини таърифлаб, ўз ватанини соғингани қуйидаги байтлар орқали ифодаланади: *Ғамингда кеча – тонг отқунча йиғлар, Тонг отғоч, даги кун ботқунча йиғлар.*

Ёки Бобурнинг қуйидаги сатрларида ҳам ватан концепти ифодаланганини кўриш мумкин: *Толе йўқи жонимга балолиг бўлди,*

*Ҳар ишники айладим, хатолиғ бўлди. Ўз ерни қўйиб, Ҳинд сори юзландим, Ё Раб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди.*

Демак, ватан концепти ўзбек тилида бир нечта сатҳ бирликлари ёрдамида воқеланади ва унинг ассоциатив майдони шаклланади. Лексик бирликлар мавзу жиҳатдан турли хил эканлиги билан бошқаларидан фарқланади. Ватан концептига ишора қилувчи мақоллар ўзбек халқи мулоқот жараёнининг ажралмас қисми ҳисобланади. Халқ оғзаки ижоди, ёзма адабиёт, оғзаки сўзлашув услубида миллий-маданий хусусиятга эга бўлган ватан концепти фаол ишлатилиши билан характерланади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Лутфуллаева Д. Ассоциатив тилшунослик назарияси. – Тошкент, 2017. – 140 б.
2. Маҳмудов Н. Тилнинг мукамал тадқиқи йўллари излаб // Ўзбек тили ва адабиёти, 2012. – № 5. – Б. 3-16.
3. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах, 2006. – 92 б.
4. Тожибоев Б. Ўзбек тили миллий-маданий бирликларининг ассоциатив тадқиқи: филол.фан.бўйича (PhD) фалс.докт.дисс. – Тошкент, 2020.
5. Худайберганова Д. Ўзбек тилида матннинг антропоцентриқ тадқиқи (матн яратилиши ва мазмуний идроки мисолида). Филол. фан. докт.илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Тошкент, 2014.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 2 жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006. – 528 б.